

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚОДИРОВ БАХТИЁР ЭШМУРЗАЕВИЧ**

**ЭЛЕКТРОН АХБОРОТ ТАЪЛИМ МУҲИТИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ**  
**ХУНАРМАНДЧИЛИККА ОИД ТАЯНЧ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ**  
**РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (технология)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Қодиров Бахтиёр Эшмурзаевич**

Электрон ахборот таълим муҳитида ўқувчиларнинг ҳунармандчиликка  
оид таянч компетенцияларини ривожлантириш методикаси..... 3

**Қодиров Бахтиёр Эшмурзаевич**

Методика развития базовых компетенций ремесленничества учащихся  
в электронной информационно-образовательной среде..... 23

**Kodirov Bakhtiyor Eshmurzaevich**

Methodology of development of basic competencies of schoolchildren on  
crafts in the electronic information educational environment..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 47

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚОДИРОВ БАХТИЁР ЭШМУРЗАЕВИЧ**

**ЭЛЕКТРОН АХБОРОТ ТАЪЛИМ МУҲИТИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ**  
**ХУНАРМАНДЧИЛИККА ОИД ТАЯНЧ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ**  
**РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (технология)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Ped1105 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси ([www.terstu.uz](http://www.terstu.uz)) ҳамда Ziyonet ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Қўйсинов Одил Алмуротонович**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Муслимов Нарзулла Алиязинович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Нормуродов Чори Бегалиевич**  
физика-математика фанлари доктори,  
профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "28" *август* куни соат *14.00* даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 190111, Термиз ш. Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел: (376) 221-74-55; факс: (376) 221-71-17; e-mail: [temizdu@umail.uz](mailto:temizdu@umail.uz))

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (*23* рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 190111, Термиз ш. Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел: (376) 221-74-55; факс: (376) 221-71-17; e-mail: [temizdu@umail.uz](mailto:temizdu@umail.uz)).

Диссертация автореферати 2021 йил "14" *август* куни тарқатилди (2021 йил "14" *август* даги *9* рақамли рёестр баённомаси).



*[Signature]*  
**И.Т.Чориев**  
илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

*[Signature]*  
**М.К.Бозорова**  
илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

*[Signature]*  
**Х.Ж.Худойкулов**  
илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш қошидаги Илмий семинар  
раиси, п.ф.д., доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида ахборот ва рақамли технологиялардан фойдаланиш ҳар бир шахс учун таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш соҳаларига кириб бориш ва уларда фаолият юритишга туртки бўлмоқда. Ҳозирги кунда Khan Academy, Massive Open Online Courses (MOOC), Courser каби очик электрон таълим тизимлари ўқувчиларда креативлик қобилиятларининг ўсишига дидактик асос бўлмоқда. Замонавий ахборотлаштириш жараёни электрон ахборот муҳитини яратишдан иборат бўлиб, бу муҳитдаги инновациялар таълимни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилайди.

Дунёда электрон ахборот таълим муҳитини яратиш, методик таъминотини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг таянч компетенцияларини ривожлантириш, дарсларда анимацион, аудио-визуал воситаларни ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотларда электрон ахборот таълим муҳитини энг сўнгги педагогик қонуниятлар асосида ишлаб чиқиб, ўқувчиларда ўзига ишонч, фанга қизиқиш, меҳнатсеварлик, ўзгалар меҳнатини қадрлаш, замонавий билим олиш, ҳунар эгаллашга бўлган қизиқиш, мустақил касб танлаш, креативлик хислатларини ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Бу эса технология фанини ўқитишда электрон ахборот таълим муҳитида фойдаланиш бўйича методик тизимни яратишни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда таълимнинг моддий техник таъминотини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар натижасида ахборот-таълим муҳитини яратиш, ахборот ресурсларини ишлаб чиқиш, уларни таълим жараёнида қўллаш методикаларини такомиллаштириш, ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг жаҳон таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида «Халқ таълими соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш»<sup>1</sup> каби устувор йўналишлар белгиланган. Бу эса технология фани дарсларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, ҳунармандчиликка оид таянч компетенцияларни ривожлантириш ўқувчиларнинг замонавий билим олишларида алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ-5242-сонли «Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сонли «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш

---

<sup>1</sup> 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сонли фармони.

концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ва 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сонли «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4539-сонли «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сонли «Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Касб-хунар эгаллаш муҳимлиги борасида ва хунармандчиликнинг турли соҳалари бўйича мамлакатимиз ва хорижий давлатлар олимлари кенг камровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борган. Тадқиқот муаммоси соҳасида мамлакатимиз олимларидан А.А.Абдурашидов, Р.Н.Ашуров, С.С.Булатов, П.Т.Магзумов, У.Нишоналиев, И.Т.Чориев, М.Х.Шомирзаев, МДХ давлатлари олимларидан Т.Б.Антипова, А.И.Воробьев, В.И.Качнев, В.Г.Разумовский, А.В.Ефанов кабилар илмий изланишлар олиб борган.

«Компетенция», «компетентлик» ва «таянч компетенция» каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини тадқиқ қилиш, шакллантириш, ривожлантириш ҳамда ташхислаш масалалари бўйича мамлакатимиз олимлари: Н.А.Муслимов, Ш.С.Шарипов, О.А.Қўйсинов, Р.Х.Файзуллаев, К.Т.Уматалиева, Н.Ш.Турдимов, Л.Р.Зарипов, МДХ ва хорижий мамлакатлар олимлари: Э.Ф.Зеер, И.А.Зимняя, Н.В.Кузьмина, А.К.Маркова, О.Н.Яригин, С.Р.Веггер, D. Pepper, J.Pavelka ва бошқалар тадқиқотлар олиб борган.

Таълим-тарбия жараёнида ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланишнинг педагогик-психологик асослари, таълимий дастурларни қўллаш назарияси, методикаси ва амалиёти А.А.Абдуқодиров, О.А.Абдуқудусов, У.Ш.Бегимқулов, Д.Н.Маматов, А.Р.Жўраев, Қ.Т.Олимов, Н.И.Тайлақов, О.Х.Тўрақулов, Ф.С.Тўрабеков, Ж.А.Хамидов, хорижий мамлакатлар олимларидан Н.Ф.Талызина, G.Selwyn, B.Bloom, T.Doga ва бошқаларнинг илмий-тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, таълимий дастурлар, машғулотларда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларини қўллаш муаммоси бўйича кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган бўлса-да, айнан умумий ўрта таълим мактабларида Технология фанини ўқитишда электрон ахборот таълим муҳитини

яратишнинг педагогик-психологик ва дидактик имкониятлари, методикаси, илмий асослари батафсил очиб берилмагани, такомиллаштириш муаммоси тадқиқ этилмагани ҳамда ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантириш методикаси ишлаб чиқилмагани мавзунинг долзарблигини белгилайди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлар режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ №ОТ-Ф7-34 “Миллий хунармандчиликда инновацион жараёнларни технология фанида ўрганишнинг илмий-педагогик асослари” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2014-2018 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини электрон ахборот таълим муҳитида ривожлантиришнинг илмий-методик асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари учун электрон ахборот таълим муҳитини яратиш жараёнига таъсир кўрсатадиган педагогик, психологик, дидактик омилларни ўрганиш;

ўқувчиларда хунармандчиликка оид таянч компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган дидактик моделини электрон ахборот таълим муҳитидаги мақсадли, жараёнли ва натижавий блоклари таркибини аниқлаштириш асосида ишлаб чиқиш;

электрон ахборот таълим муҳитида ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантиришга хизмат қиладиган дидактик таъминотни яратиш;

электрон ахборот таълим муҳитида ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантириш мезонларини аниқлаштириш ва методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида электрон ахборот таълим муҳитида ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида Сурхондарё, Бухоро, Сирдарё вилоятларида 6 та умумий ўрта таълим мактабларининг V-IX синфларидан 1037 нафар ўқувчи иштирок этди.

**Тадқиқотнинг предмети** электрон ахборот таълим муҳитида ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантириш мазмуни, шакллари, методлари ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда таҳлил қилиш, хорижий ва илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш, суҳбат, кузатиш, эксперт баҳолаш, тест ва сўровномалар ўтказиш, тажриба-синов натижаларига математик-статистик ишлов бериш каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

технологик таълим жараёнида психомоторик таъсир кўрсатиш омилларига (мотивацион, амалий, фаолиятли) устуворлик бериш ҳамда машғулотларни ташкил этишнинг методик таъминоти ва электрон дастурий воситаларидан самарали фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантириш босқичлари аниқлаштирилган;

ўқувчиларда хунармандчиликка оид таянч компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган дидактик моделнинг мақсадли, жараёнли ва натижавий блоклари таркибининг техник объект ва технологик жараёнларга мослиги аниқлаштирилган ҳамда электрон ахборот таълим муҳитида ўқитиш методикаси такомиллаштирилган;

технология фанидан ўқув машғулотларида ўқувчиларнинг таянч компетенцияларини ривожлантиришнинг инновацион методлари (SMART, SMART-портфолио) ва “Technology crafts” Web-сайт технологиясини эффектив жиҳатдан самарали қўллаш ҳамда алгоритмик харитани уч босқичда тузиш асосида тадбиқ этиш механизмлари такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг электрон ахборот таълим муҳитида хунармандчиликка оид таянч компетенцияларининг ривожланганлик даражаси ностандарт топшириқ (тестлар, бошқотирмалар, буюмларнинг технологик хариталари, видео топшириқ ва ҳ.к.)лар асосида баҳоланган ҳамда репродуктив, продуктив ва креатив мезонлар асосида натижалар аниқлаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

электрон ахборот таълим муҳитида умумий ўрта таълим мактабларида «Технология» фанидан дарс ва синфдан ташқари машғулотларни ташкил этиш учун Android Ark дастурида 6-, 7-синф ўқувчилари учун “Технология” фанидан электрон дарслик, “Полимер материалларга ишлов бериш технологиялари” ва “Рўзғоршунослик асослари” электрон қўлланмалари, HotPotatoes дастурида “Хунармандчиликка оид бошқотирмалар”, iSpring QuizMaker дастурида “Ностандарт тестлар”, AutoPlay Media Studio дастурида “Ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантириш платформаси” ҳамда HTML дастурлаш тиллари асосида “Technology crafts” Web-сайти технологияси бўйича электрон таълим ресурслари яратилган ва амалиётга жорий қилинган;

электрон ахборот таълим муҳитида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган SMART усули, SMART-портфолио методлари, “Technology crafts” Web-сайт технологияси ва унинг мобил версиясидан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилиб, «Технология» фанидан дарсда ва синфдан ташқари машғулотларда ўқитиш жараёнига татбиқ этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланган ёндашув ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва педагогик тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик методлар воситасида асослангани, хулоса, таклиф ва



тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари учун электрон ахборот таълим муҳитини яратиш жараёнига таъсир кўрсатадиган педагогик-психологик (мотивацион, когнитив, психомотор, ахборот-коммуникатив) омиллар ўрганилиб, таълим сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган дидактик имкониятлари такомиллаштирилгани, электрон ахборот таълим муҳитида ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантириш мақсадларига йўналтирилган ҳамда педагогик тизим узвийлиги таъминланган дидактик модель ишлаб чиқилгани; электрон ахборот таълим муҳитида ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантириш методик асослари бўйича “Technology crafts” Web-сайти технологияси, 6-, 7-синф учун «Технология» фанининг Android Book Арк вариантдаги электрон дарслиги ва хунармандчилик платформаси яратилгани ҳамда методик тавсияномалар ишлаб чиқилгани, ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини электрон ахборот таълим муҳитида ривожлантириш усуллари такомиллаштирилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти электрон ахборот таълим муҳитида ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган илмий-методик муаммонинг тадқиқотда кўйилган вазифалар даражасида ҳал қилингани, шунингдек, ўқитиш жараёнида унинг аҳамияти ва зарурияти очиқ берилгани ҳамда тадқиқотда илгари сурилган фаразлардан «Технология» фанини ўқитиш бўйича бажариладиган илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Электрон ахборот таълим муҳитида ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантириш методикаси бўйича илмий-тадқиқот натижалари асосида:

технологик таълим жараёнида психомоторик таъсир кўрсатиш омилларига (мотивацион, амалий, фаолиятли) устуворлик бериш ҳамда жараёни ташкил этишнинг методик таъминоти ва электрон дастурий воситаларидан самарали фойдаланишда ўқувчиларнинг таянч компетенцияларини такомиллаштиришга оид таклифлар таълим тизимида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сонли “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг ДТСларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори асосида меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 89-03-5574-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур таклиф ва тавсиялар «Технология» фани мазмунини модернизациялаш жараёнида

такомиллаштирилган ўқув дастурлари, дарсликлар, методик қўлланмалар мазмунига сингдирилган;

ўқувчиларда хунармандчиликка оид таянч компетенцияларни ривожлантиришда дидактик моделнинг мақсадли, жараёнли ва натижавий блоклари таркибини техник объект ва технологик жараёнларга мослигини аниқлаштириш ҳамда электрон ахборот таълим муҳитида таълим бериш методикасини такомиллаштириш асосида ишлаб чиқилган. Технология фани ўқув машғулотида инновацион методлар (SMART, SMART-портфолио) ва “Technology crafts” Web-сайт технологияларини интенсив ва эффектив жихатдан самарали қўллаш ҳамда алгоритмик харитани уч босқичда тузиш асосида тадбиқ этиш механизмларини такомиллаштиришга оид тавсиялардан ПЗ-2014-0912150534-рақамли “Умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таълими фанини мазмунан модернизациялаш ҳамда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш технологиялари” (2015-2018 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳанинг бажарилишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 89-03-5574-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур ёндашув ва натижалар ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантиришнинг сифат ва самарадорлигини таъминлаган;

ўқувчиларнинг электрон ахборот таълим муҳитида хунармандчиликка оид таянч компетенциялари ривожланганлик даражасини ностандарт топшириқ (тестлар, бошқотирмалар, буюмларнинг технологик хариталари, видео топшириқ ва ҳ.к.)лар асосида баҳолаш ҳамда репродуктив, продуктив ва креатив баҳолаш мезонларини аниқлаштиришга оид тавсиялардан 574099-ЕРР-1-2016-1-IT-ЕРРКА2-СВНЕ-SP рақамли «Олий таълим соҳасидаги потенциални ривожлантириш йўналишидаги PAWER – Худудлараро мобилликни йўлга қўйиш ва бу борада долзарблик, сифат ва тенгликни таъминлаш» (2016-2019 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳанинг бажарилишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 89-03-5574-сон маълумотномаси). Натижада, «Технология» фанини ўқитиш ва электрон ахборот таълим муҳитида ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантириш методикаси самарадорлигининг ортишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий-услубий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этган илмий нашрларда 4 та мақола, шундан 1 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида чоп этирилган, 6 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 143 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предмети аниқланган, тадқиқот методлари, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги ва амалиётга жорий этилиши ёритилган, назарий ва амалий аҳамияти, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўқувчиларнинг ҳунармандчиликка оид таянч компетенцияларини электрон ахборот таълим муҳитида ривожлантиришнинг психологик-педагогик шарт-шароитлари”** деб номланган биринчи бобида таълим ва тарбия жараёнида ўқувчиларга ҳунармандчиликни ўргатишга оид илмий тадқиқот ишларининг таҳлили ва уни такомиллаштиришнинг назарий асослари, ўқувчиларнинг ҳунармандчиликка оид таянч компетенцияларни ривожлантиришда электрон ахборот таълим муҳити (ЭАТМ)нинг ўрни ва аҳамияти, компетенция, компетентлик тушунчаларининг таҳлили, ўқувчиларнинг ҳунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантиришнинг дидактик имкониятлари ҳамда назарий-методологик асослари ёритилган.

ЭАТМ ва ҳунармандчиликка оид таянч компетенцияларни ривожлантириш муаммоси кўплаб тадқиқотчиларнинг илмий ишларида турли йўналишларда талқин қилинган. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг ижодий фикрлаши, мустақиллиги, фаоллик ҳамда ижодкорлигининг ривожланиб, дунёқарашининг кенгайиб бориши, ўз-ўзини назорат қилиш ва тарбиялашга бўлган эҳтиёжининг шаклланиши билан тавсифланади.

Ҳунармандчилик қадимдан инсониятнинг ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келиб, инсон тафаккури ва жамиятнинг ривожланиши билан деҳқончилик ва чорвачилиқдан ажралиб чиқиб, турли даврларда техника ривожланиши билан такомиллашиб келган. Ҳунармандчилик ўймакорлик, темирчилик, мисгарлик, дурадгорлик, кулоллик, бўйрачилик, тикувчилик, тўкувчилик, бинокорлик, заргарлик, зардўзлик, бўёқчилик, тунукасозлик ва ш.к. турларга бўлинади.

Ўқувчиларнинг ЭАТМда ҳунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантиришнинг муҳим омиллари сифатида электрон шакллар, усул ва воситалар қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, таъкидлаш мумкинки, таълим шаклларида ахборот-коммуникацион технологиялари (АКТ), Интернет ва унинг имкониятлари қўлланиши назарда тутилган; уларни билиш ва муқобил

фойдаланиш эса ўз навбатида ЭАТМга тайёрлаш, ўқувчиларнинг фанга оид таянч компетенцияларининг шаклланиши ва ривожланишига олиб келади.

Тадқиқот ишида ҳунармандчиликка оид таянч компетенциялар мазмуни Блум таксономияси компонентлари (билиш, тушуниш, қўллаш, анализ, синтез, хулоса) асосида очиб берилган.

«Технология» фани ўқитувчилари дарсларни ташкил этишда ўқув ахборотларининг ўқувчилар эҳтиёжлари, қизиқишлари, билим, кўникма, малака ва тажрибаларига таянган ҳолда қизиқтира оладиган, мустақил фикрлаш, ноанъанавий ёндашиш, қарор қабул қилиш, ҳунармандчиликка ва тадбиркорликка оид таянч компетенцияларни ривожлантиришга ундайдиган имкониятга эга бўлишни таъминлашга алоҳида эътибор қаратишлари зарур.

### 1-жадвал

#### ЭАТМда ўқувчиларнинг ҳунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган дастурлар мазмуни

Т/р	Дастур номи	Дастурлардан ҳунармандчиликни ривожлантиришда фойдаланиш
А) мобиль телефон, шахсий компьютер орқали Интернетсиз ишлаш имконини берувчи дастурлар:		
1.	Android book maker (андроид китоб)	Ушбу дастурда китобларнинг Android APK версиясини ишлаб чиқиш (дарслик ва қўлланмалар).
2.	Hot Potatoes	Hot Potatoes дастури компьютер ва мобиль дастурларидан фарқли томони барча операцион тизимларга ўрнатиш имкониятларидан самарали фойдаланиш (синов машқлар).
3.	iSpring QuizMaker	Электрон ахборот таълим ресурсларини яратишда кенг фойдаланилиб келинаётган дастурий таъминотлардан бири iSpring QuizMaker дастуридан фойдаланиш (ностандарт тестлар).
Б) Интернет тармоғи имкониятларидан фойдаланилиб ишлатиладиган дастурлар		
1.	Mobile Learning	ЭАТМда ўқувчиларнинг ҳунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантиришда Интернет тармоғига уланган ва ҳисоблаш имкониятларига эга мобиль қурилмалар, замонавий компьютерлардан фойдаланиш.
2.	Cloud computing	Булутли ҳисоблашлар ЭАТМда ўқувчиларнинг ҳунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантиришда ўқувчиларга Интернет тармоғи иловаларидан фойдаланиш учун қулай муҳитни мужассам этиши ва ЭАТМни жорий қилиш ҳамда шакллантириш.
3.	One-to-One computing	Умумий ўрта таълим мактабларида яратилаётган ЭАТМ тобора ўқувчига яқин ва дўстона тарзда амалга ошириш.
4.	Smart portfolio assessment	Баҳолашнинг ақлли портфолиоси тамойили «Технология» фани ўқитувчиси учун “бичимланган” баҳолаш тизимини тақдим этиш, реал вақт маълумотларни олган ҳолда ўқувчини билим ва керакли вақт оралиғи кесимида таҳлил қилиш.

«Технология» фани ўқитувчилари томонидан ўқув жараёнида қуйидаги ишлар амалга оширилади: дарсларни ташкил этишда АКТ ва турли шакл, метод, воситалардан самарали, мақсадли фойдаланиш; таълим бериш

жараёнида ЭАТМни яратиш; ўқув топшириқларини бажаришда ўқувчиларга усулларни мустақил, ихтиёрий танлаш имконини бериш; ўқувчига индивидуал, жуфтликларда, кичик гуруҳларда ва жамоада ишлай олиши учун имконият яратиш; машғулотларнинг тўғри ва аниқ лойиҳалаштирилиши таълим сифати ва дарс самарадорлиги ошишига хизмат қилади.

Умумий ўрта таълим мактабларида «Технология» фанини ўрганиш жараёнида ўқувчиларда ҳунармандчиликка оид таянч компетенцияларни ривожлантириш борасида олиб борилган тадқиқот ишлари таҳлили, шунингдек, амалий иш тажрибалар натижалари бу борада қуйидагилар алоҳида аҳамият касб этишини кўрсатди: ЭАТМда ўқувчиларда ҳунармандчиликка оид таянч компетенцияларни ривожлантиришнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш; ўқувчиларда ҳунармандчиликка оид таянч компетенцияларни ривожлантиришда ЭАТМни ярата олиш даражасини аниқлаш ҳамда уни такомиллаштириш; ҳунармандчиликка оид ЭАТМни яратиш; ЭАТМда ўқувчиларда ҳунармандчиликка оид таянч компетенцияларни ривожлантириш методикасини ишлаб чиқиш.

Ўқувчиларнинг ҳунармандчиликка оид эгаллашлари лозим бўлган компетенциялари: ҳунармандчилик ва уларнинг турлари тўғрисида когнитив, аффектив ва психомоторик маълумотларга эга бўлиши ҳамда уларни амалиётда қўллай олиши; ёғоч ўймакорлиги амалларини бажара олиш ва уларнинг турлари тўғрисидаги маълумотлар асосида бадиий манзарали кўринишга келтира олиш; истеъмол буюмлари (товоқ, лаган, қошиқ), қурилиш буюмлари (устун, эшик, ром), меҳнат буюмлари (бешик, сандик, жавон)ни ясай олиш; турли ҳунармандчилик тармоқлари (бўйрачилик, сават тўқиш, заргарлик, темирчилик, кулоллик, пичоқчилик ва бошқалар) уларнинг иш методлари, ўзига хос хусусиятларини амалиётга татбиқ этиш ва ш.к.

ЭАТМнинг компетентли ёндашув асосида ташкил этилиши, ўқитиш мақсадларини таълим олувчиларнинг шахсий мақсадлари билан мувофиқлаштириш, таълим олувчилар мустақиллиги ва масъулиятининг доимий ошиши ҳисобига ўқитувчи меҳнатини енгиллаштириш, ўқувчиларнинг ўқув материали мазмуни ва ҳажмини қисқартириш ҳисобига эмас, балки индивидуал мустақил таълим улушини ошириш ҳисобига банд қилиш, ўқув-тарбиявий жараён бирлигини назарияда эмас, балки амалиётда таъминлаш; таълим олувчиларни онгли ва масъулиятли таълим олишга тайёрлаш таълим жараёни самарадорлигининг ошишига имкон беради.

Диссертациянинг **“Ўқувчиларнинг ҳунармандчиликка оид таянч компетенцияларини электрон ахборот таълим муҳитида ривожлантириш методикаси”** деб номланган иккинчи бобида ЭАТМда ўқувчиларнинг ҳунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантиришнинг методик тизими, “Технология” фани машғулотларида ва синфдан ташқари машғулотларда “Technology crafts” Web-сайт технологиясидан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилган.

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни сўнгги ва замонавий билимларга эга шахс этиб тарбиялаш тизимида таълим олувчи ва таълим

берувчилар ўртасидаги субъект-объект муносабатларидан субъект-субъект муносабатларига ўтилиши таълимнинг ЭАТМда қурилиши учун замин яратди.


Ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ЭАТМда ривожлантиришни бир бутун тизим сифатида таҳлил қилиш мақсадида дидактик модель ишлаб чиқилди (1-расм). Мазкур модель учта блок (мақсадли блок, жараёнли блок, натижали блок)га ажратилиб, мақсадли (таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи, вазифалар), жараёнли (компетенциялар: таянч, махсус, касбий. Педагогик жараён: мазмун, шакл, метод, восита, қўлланиш соҳаси.), натижа (баҳолаш мезонлари (репродуктив, продуктив, креатив))ни ўз ичига олади.

Моделнинг мақсади уч даражада киритилди: таълимий – ЭАТМдан фойдаланган ҳолда «Технология» фанини ўқитиш жараёнини ташкиллаштириш, ўқувчиларни хунармандчиликка оид тушунчалар билан таништириш; тарбиявий – ўқувчиларда хунармандчиликка оид таянч компетенцияларни ЭАТМда ривожлантириш (хунармандчиликнинг турлари, буюмларни яшаш жараёни)ни ўргатиш; ривожлантирувчи – ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид илмий маълумотларни ЭАТМда ўрганиш, уларни элементар таҳлил, синтез ҳамда хулоса чиқариш қобилиятини ривожлантириш.

Модель тўртта вазифани қамраб олган бўлиб, унда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларига ЭАТМни яратиш жараёнига таъсир кўрсатувчи педагогик-психологик омилларни ўрганиш, таълим сифати ва самарадорлигининг ошишига хизмат қилишига қаратилган дидактик имкониятларини такомиллаштириш, ЭАТМда ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантиришда когнитив (билим), аффектив (ҳиссий-қадриятли) ва психомоторик (ҳаракатли) мақсадлар асосида дидактик моделини ишлаб чиқиш ва ЭАТМда ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантиришга хизмат қилувчи дастурий ва методик таъминотини яратишни ўзига вазифа сифатида қабул қилади.

Ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ЭАТМда ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи компетенция турлари таянч, касбий ва махсус компетенциялар ҳисобланади.

Моделда педагогик жараён қуйидаги даражалар билан методик элементлари аниқланди: мазмун (амалий фанлар ДТС, ўқув дастури: «Технология» фанини ўқитишга оид ҳужжатлар, илмий адабиётлар, электрон қўлланмалар ва манбалар, дидактик манбалар, кўргазмали қуроллар, макет ва тренажёрлар, техник объектлар); шакл (жамоавий, гуруҳли ҳамда индивидуал машғулотларни ташкил этиш); метод (анъанавий ва инновацион технологиялар); восита (“Android Book Apk”, “HotPotatoes”, “iSpring, QuizMaker”, “AutoPlay Media Studio” дастурлари ҳамда HTML дастурлаш тилида ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган дастурий методик таъминотини яратиш);



1-расм. Ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ЭАТМда ривожлантиришнинг дидактик модели.

қўлланиш соҳаси («Технология» фанига оид, хунармандчиликка оид тўғарак машғулотларида ва мустақил таълимни ташкил этиш жараёнида) узвий боғланган.

Ушбу педагогик жараённи баҳолаш репродуктив, продуктив, креатив мезонларга кўра амалга оширилади. Бу мезонларга асосланиб, ўзлаштиришнинг юқори, яхши ва ўрта даражалари ишлаб чиқилиб, ЭАТМда ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенциялари ривожланганлиги баҳоланади. Натижада, ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенциялари ЭАТМ орқали ривожлантиришга эришилди.

Педагогик жараённинг таркибий қисмларидан бири жараённи амалга ошириш учун машғулот керак бўлади. Мазкур моделда машғулотларни дарсда ва дарсдан ташқари машғулотларда амалга ошириш тадқиқ этилди. Синфда назарий, амалий, кўргазмали, дарсдан ташқари машғулотлар, тўғарак, экскурсия, “Устоз-шогирд” тизимида ташкил этилди.

ЭАТМда ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантиришнинг педагогик тизими элементлари сифатида куйидагилар таклиф этилди: мақсад ва вазифалар; ЭАТМда ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантириш босқичлари; хунармандчиликка оид таянч компетенцияларни ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари; натижавий-баҳолаш.

Таълим-тарбия жараёнида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш ҳамда ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантиришда ўқитишнинг замонавий усул, шакл, метод ва воситалари, дидактик ўйин технологиялари, муаммоли вазиятли топшириқлар, хусусан, мустақил таълимнинг ноанъанавий методлари муҳим ўрин тутди.


Таълим олувчиларни ўқитувчи танлови асосида имкониятидан келиб чиқиб режалаштирилган дастур асосида, метод, шакл ва воситалар асосида “Technology crafts” Web-сайти технологияси орқали “ўқитиш” эмас, балки таълим олувчида шаклланиши зарур бўлган компетенцияларни онгли равишда ўзлаштириш иштиёқини ривожлантириш, ички ва ташқи мотивацияни сифатли билим, мустақил изланувчи сифатида таълим олишга йўналтирилади.

SMART, SMART портфолио методлари ҳамда “Technology crafts” Web-сайт технологияси ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид таянч компетенциясини аниқловчи ижодий машқлар ва муаммоли видеотопшириқлар, ижодкорликни ривожлантиришнинг алгоритмик хариталари каби технологиялар ва воситалар ўрганилган материал бўйича билимларни мустаҳкамлаш, муаммоларни таҳлил қилиш компетенцияларни шакллантириш, мустақил равишда муаммони ҳал қилиш бўйича мақбул қарор қабул қилиш, масъулият, мустақиллик ҳамда коммуникативлик қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилди.

Америкалик педагог-олима Patti Drepeau томонидан таклиф этилган “Креативлик харитаси” асосида биз ўқувчиларнинг хунармандчиликка оид



таянч компетенцияларини ривожлантиришнинг алгоритмик харитаси ва босқичларини ишлаб чиқдик (2-расм).



**2-расм. Хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантиришнинг алгоритмик харитаси ва босқичлари.**

**1-босқич** Ўқувчиларда репродуктив ижодий ишларни бажариш ҳамда таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш орқали хунармандчиликка оид таянч компетенцияларни ривожлантиришда репродуктив даражадаги топшириқлар берилди. Ўқувчилар ижодий ёндашган ҳолда синфда топшириқларнинг ечимларини топишга йўналтирилди. Бунда ўқувчиларнинг таълимий машғулотларни ташкил этишга тайёргарлиги, техник объект ва конструкторлик жараёнларни амалга оширишда кириш йўриқномаси каби масалаларни ҳал этиш бўйича бошланғич компетенциялари ривожлантирилди.

**2-босқич** Продуктив ижодий фаолият компетенцияларини ривожлантиришда ўқувчиларнинг синфдан ташқари хунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантирувчи муаммоли топшириқлар, ижодкорликка йўналтирилган масалалар асосида педагогик–технологик жараёнларни бошқаришда жорий йўриқномалар асосида интерфаол метод ва усуллардан фойдаланган ҳолда, муаммоларнинг оптимал ва самарали ечими топилди ва аввал ўзлаштирган материални иккиламчи ҳолатга кўчиришни бажаришди. Ўқувчиларнинг амалий машғулотлар жараёнида буюм яшаш ва ясалган буюмларини ўзлари баҳолаш орқали танқидий фикрлашини ривожлантиришда кичик гуруҳларда ишлаш методлари қўлланди.

**3-босқич** Креатив (ижодкорлик фаолияти натижасида ишлаб чиқаришда лойиҳавий–конструкторлик, экспериментал тадқиқий фаолиятни намуна асосида ташкил этиш. Янги билимларни эгаллаш ва мустақил ўрганиш)

методик ишланмалардан фойдаланишда талабалар креатив фикрлашга ва ижодий ечимлар топишга йўналтирилди. Машғулотда ўқувчилар янги ғоялар ва хулосаларга эга бўлди. Техник объект ва педагогик–технологик жараёнда иш самарадорлигини оширувчи наворотлик ишланмалари тақлиф этилди.

Диссертациянинг **“Педагогик тажриба-синов ишлари ва унинг таҳлили”** деб номланган учинчи бобда тажриба-синов ишларининг ташкил этилиши, ўтказилган тажриба натижалари ва уларнинг таҳлили келтирилган.

Тажриба-синов ишларининг мақсади, ўқувчиларга «Технология» фанини синфда ва синфдан ташқари машғулотларда ўқитишда уларнинг ҳунармандчиликка оид таянч компетенцияларини ривожлантириш ҳамда уларга ҳунармандчилик сирларини ўрганишга ундовчи омилларни шакллантириш имконини берувчи машғулотларда ўқувчиларга мустақил таълим бериш, амалий машғулотларни бажариш, технологик-конструкторлик ишларини бажаришдир. Ижод намуналари билан ҳунармандчиликка оид кўргазмаларда айниқса, ҳунармандчиликка оид таянч компетенцияларни ривожлантирадиган “Technology crafts” Web-сайт технологияси ва (SMART, SMART портфолио) методлардан фойдаланилди. Ишлаб чиқариш жараёнида технологик, лойиҳавий, конструкторлик, экспериментал тадқиқий фаолиятни ташкил этиш орқали янги билимларни мустақил эгаллашга қаратилган ижодий ҳаракатлар тизимли ташкил этилди. Ўқувчиларнинг ҳунармандчиликка оид таянч компетенциялари ривожланганлиги даражаларини аниқлаш мақсадида амалий машғулотларни бажариш давомида “Устоз-шогирд” тизими бўйича буюм ясаш жараёнида учрайдиган муаммоли вазиятли топшириқлар асосида ўқувчиларнинг ҳунармандчиликка оид таянч компетенцияларини аниқлашга қаратилган видео топшириқлар берилди. Унинг аҳамиятли жиҳати шундаки, берилган кейслар ва муаммоли топшириқларнинг барча жавоблари тўғри бўлиб, энг мақбул вариантни танлай олиши ўқувчининг ҳунармандчиликка оид таянч компетенциялари ривожланганлиги даражаларини билдиради. Ўқувчиларнинг эришган натижаларини “Technology crafts” Web-сайт технологияси бўйича бириктирилган устозлар назорат қилиб боради ва йўл-йўриқлар кўрсатади. «Технология» фанининг ҳар бир бўлими якунида яна худди шунга ўхшаш технологик жараёнда учрайдиган муаммоли вазиятли видео топшириқлар, ностандарт ва Online тестлар, бошқотирмалар берилди. Натижада, фаннинг бўлими бошланиши ва охиридаги ҳолат қиёсий таққосланди ва ривожланганлик даражалари динамикаси аниқланди.

